

АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШДА УСУЛ ВА АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ноибна Хуснитдиновна КАРАМАТОВА

мустақил изланувчи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақола аудиторлик далилларни тўплашда усул ва амалларни қўллаш масалаларига бағишланган бўлиб, унда далиллар тўплашда усул ва амаллардан фойдаланишнинг долзарблиги, мазкур жараёнда қўлланиладиган усул ва амаллар тавсифи, аудиторлик далилларни тўплашда қўлланиладиган таҳлилий амаллар, аудиторнинг мантикий ёндашувлари асосида далил тўплаш усуллари, аудиторлик далилларни тўплаш амалларининг фарқли жиҳатлари ва далилларни тўплаш амалларини бажариш тартиби муаллиф изланишлари асосида баён этилган. Шунингдек, далилларни тўплашда усул ва амалларни қўллаш бўйича ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар тадқиқ этилиб, уларни ижобий ҳал этиш юзасидан амалий тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: аудиторлик текшируви, аудиторлик далиллар, далилларни тўплаш усул ва амаллари, инвентаризация, таҳлилий амаллар, назорат тестлари, назорат воситалари, сўров, мантикий ёндашув, сканерлаш, баҳолаш, калькуляция, статистик таҳлил, гипотеза ва прогнозлаштириш, тестлаш ёки анкета саволномаларини ўтказиш, муқобил баланс тузиш.

ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ И ПРОЦЕДУР ПРИ СБОРЕ АУДИТОРСКИХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ

Ноибна Хуснитдиновна КАРАМАТОВА

независимый исследователь

Ташкентский

государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Статья посвящена вопросам использования методов и процедур при сборе аудиторских доказательств, в которых рассмотрена актуальность использования методов и процедур при сборе доказательств, описание методов и процедуры, используемых в этом процессе. При сборе аудиторских доказательств описаны методы сбора доказательств, основанные на логических подходах аудитора, различные аспекты действий по сбору аудиторских доказательств и порядок выполнения действий по сбору доказательств. Также в статье исследуется ряд ожидающих своего решения проблем, касающихся применения методов и практики сбора доказательств и формулируются практические рекомендации по их положительному решению.

Ключевые слова: аудиторская проверка, аудиторские доказательства, методы и процедуры сбора доказательств, инвентаризация, аналитические процедуры, контрольные тесты, инструменты контроля, опрос, логический


подход, сканирование, оценка, калькуляция, расчет, статистический анализ, гипотеза и прогнозирование, тестирование или проведение анкетирования, альтернативный баланс.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунининг “Мажбурий аудиторлик текшируви” номли 35-моддасида акциядорлик жамиятлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамловчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари, манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмаларидан иборат бўлган хайрия, жамоат фондлари ва бошқа фондлар, устав фондида (устав капиталида) давлатга тегишли улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари, фонд ва товар биржалари, ҳисобот йили яқунларига кўра активларининг баланс қиймати ва маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми базавий ҳисоблаш миқдори ва ходимларининг ўртача йиллик сони белгиланган меъёрдан юқори бўлган корхоналарда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши белгилаб қўйилган. Бироқ, аудиторлик далилларга бу модданинг боғлиқлиги шундаки, аудитор юқорида номлари келтирилган субъектлар фаолияти бўйича турли мазмундаги аудиторлик далилларни тўплашига тўғри келади. Бу масаланинг хусусиятли жиҳатларидан яна бири шундаки, суғурта ташкилотлари, банклар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти (меъёрий-ҳуқуқий асос талаблари)да аудиторлик текширувини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг ўзаро фарқли хусусиятлари билан аудиторлик далилларни тўплаш услубиятида ҳам ўзига хос фарқли жиҳатлар мавжуд.

Юқорида таъкидланганидек, далиллар аудиторлар томонидан текширувлар жараёнида тўпланган маълумотлар бўлиб, улар таркибига текширилаётган субъектнинг бирламчи ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисобининг таҳлилий ва йиғма ҳужжатлари, молиявий ва статистик ҳисоботлар, корхона

масъул шахсларидан олинган тушунтириш ва тилхатлар, текширилаётган субъект масъул шахсларининг оғзаки тушунтиришлари, корхона билан иқтисодий муносабатда бўлган учинчи шахслар маълумотлари ва бошқалар киради.

Аудитнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, далиллар қуйидаги амалларни бажариш асосида тўпланади. Қуйидаги расм муаллиф томонидан тайёрланган. (Қаранг: 1-расм).



1-расм. Аудиторлик далилларни тўплашда қўлланиладиган таҳлилий амаллар.

Текширувлар жараёнида далилларни тўплашда текшириш, кузатиш, сўров ўтказиш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш, қайта текширувдан ўтказиш ва таҳлилий амалларни бажариш каби амаллар қўлланилиши самарали ҳисобланади.

Текшириш амали орқали далил тўплашда корхона бухгалтерия счёти(ҳисоб)лари ва ҳужжатларида муомалаларни тўғри акс эттирилиши, актив ва пассивлари ҳолати ўрганилади.

Кузатиш амалини бажариш орқали аудиторнинг текширилаётган корхона масъуллари (ички аудиторлар, ички назорат ходимлари) фаолиятини бевосита текшириши натижасида далилларни олиш жараёни тушунилади. Кузатиш усули одатда, аудитор томонидан маълум операция бўйича ҳужжатли ёки тасдиқланган маълумотлар етарли бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Далил тўплашда сўров усули деганда, текширилаётган корхона фаолияти тўғрисида ички ёки ташқи манбалардан маълумотларни сўраш

орқали олиш тушунилади.

Тасдиқлаш деганда, корхона бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги маълумотларнинг тўғри (ишончли) эканлигини бошқа манбалар маълумотлари билан солиштириш орқали далил тўплаш жараёни тушунилади.

Қайта ҳисоблаш – аудитор томонидан корхона бирламчи ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларидаги маълумотлар тўғрилигини турли арифметик ҳисоб-китоблар ёки мустақил равишда бошқа ҳисоблашларни амалга ошириш орқали далилларни олиш тушунилади.

Такрорий текшириш орқали далил тўплаш деганда – текширилаётган субъект фаолиятида дастлабки бажарилган текшириш натижаларини мустақил равишда қайтадан ўрганиш тушунилади.

Аудитор далилларни тўплашда шундай усул ёки амалларни қўллаши керакки, ушбу усул ёки амалларни шахсан аудиторнинг ўзи амалга ошириши ёки бу жараёнда бевосита иштирок этиши ва натижада, далиллар ишончилигига эътироз билдирилмаслигини таъминлаши лозим. Далилларни тўплашнинг энг самарали амаллари таркибига ҳужжатларнинг расмийлаштириш ҳолатини текшириш, қайта арифметик ҳисоблаш, кузатиш (ички назорат текширувларида бевосита қатнашиш), ҳужжатлаштириш жараёнининг тўғрилиги ва бухгалтерия ўтказмалари тўғрилигини текшириш, корхона фаолиятида амалга оширилган хўжалик муомалалари қонунийлигини ўрганиш каби амаллар киради.

Амалиётда далилларни тўплашнинг самарали аудиторлик усуллари таркибига эксперт хизматидан фойдаланиш, техник-лаборатория таҳлилинини амалга ошириш, расмий сўров, ташқи тасдиқ хатларини олиш, таҳлилий амалларни бажариш ва сканерлаш каби усуллардан кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кун аудиторлик амалиётида аудиторлик далилларни олиш жараёнида қуйидаги усуллар кенг қўлланилмоқда:


1. Аудиторнинг бевосита текшириш усул ва амалларини қўллаши (инвентаризация, ҳужжатли текшириш ва хўжалик муомалалари бажарилиши ҳолатини ўрганиш).

2. Кузатиш.
3. Сўров(оғзаки ва ёзма) ва бажарилганлиги(ҳақиқийлиги)ни тасдиқлаш.

4. Қайта (такрорий) ҳисоблаш (муқобил баланс тайёрлаш).

5. Таҳлилий амалларни бажариш.

Шунингдек, аудиторлик далилларни тўплаш амалиётида юқоридагилардан ташқари қўшимча равишда аудиторнинг мустақил изланишлари асосида қуйидаги усуллар ҳам қўлланилиши мумкин. Қуйидаги расм муаллиф томонидан тайёрланган. (Қаранг: 2-расм).



2-расм. Аудиторнинг мантиқий ёндашув(хулоса, фикр)лари асосида далил тўплаш усуллари.

Аудиторлик далиллар тегишли тасдиқловчи манбалар асосида (аудиторнинг таҳлилий кузатувлари, фотосуратлар, видеолар ва бошқалар), тасдиқланган ҳужжатлар, кўрсатмалар (сўровлар, эксперт хулосалари) ва иқтисодий-математик таҳлиллар асосида шаклланади. Аудиторнинг бевосита текшириш усул ва амалларини қўллаши орқали далиллар олинганда, текширилаётган объект (масала) хусусияти, манбаи ва корхона ички назорат тизимининг ҳолати билан тавсифланади. Юқорида номлари келтирилган барча аудиторлик далилларини олиш амаллари бир-биридан қуйидаги жиҳатлари

билан фақланади. Қуйидаги жадвал муаллиф томонидан тайёрланган. (Қаранг: 1-жадвал).

1-жадвал

Аудиторлик далилларни тўплаш амалларининг фарқли жиҳатлари

№	Далилларни тўплаш амалларининг фарқли жиҳатлари мазмуни
1	Бажариладиган далил тўплаш амалининг номланиши
2	Далил тўплаш жараёнида фойдаланиладиган ҳужжатлар рўйхати
3	Далил тўплаш амалларини бажаришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бузилишига доир аниқланадиган хато ва камчиликлар рўйхати
4	Аудиторлик далилларни тўплаш жараёнида фойдаланиладиган меъёр ва талаблар мазмуни
5	Далилларни тўплаш амалларини бажаришда қўлланиладиган воситаларнинг тавсифи
6	Далил тўплаш жараёни натижаларини акс эттириш шакллари (жадвал, бухгалтерия ёзувлари ва бошқалар)

Юқорида таъкидланган далил тўплаш жараёнида бажариладиган услубият ёки амаллар мазмунан ва бажариш тартиби билан бир-бири билан фарқланади. Жумладан, қайта ҳисоблаш бу – текшириладиган субъект бухгалтерия бўлими томонидан амалга оширилган ҳисоб-китоблар ва бошқа арифметик ҳисоблашларнинг тўғрилигини қайтадан ҳисоблаш(текшириш)дир. Далилларни олишнинг ушбу услуби танлов асосида амалга оширилиб, бунда аудиторлик танлаш жараёнида “Аудиторлик танлаш” номли аудитнинг халқаро стандартидан фойдаланилиши зарур.

Навбатдаги далил тўплаш усули – далил сифатида ўрганиладиган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини эксперт-мутахассис ёрдамида аниқлашдир. Бунда, муҳим маълумотлар акс этган ҳужжатларда масъул раҳбарлар имзоларининг мавжудлиги, уларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг тайёрлаш ва тасдиқлаш саналарига мослиги тўғрилиги ўрганилиши зарур.

Текшириш амали – бухгалтерия ҳужжатларида акт расмийлаштиришнинг тўғрилиги ва корхона моддий бойликларининг ҳужжатдаги ва ҳақиқатдаги миқдорлари мослигини ўрганиш.

Текширув жараёнида аудитор ўрганиладиган субъект ички назорат

тизимининг ҳолати ва далилнинг муҳимлигига кўра ишончлилик даражаси турлича бўлган далилларни олади. Ушбу текшириш амалини қўллашда асосий эътибор моддий бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигига қаратилади, уларнинг баҳоланиши ва эгалик қилиниши кейинги ўринларда ҳисобга олинади.

Аудиторлик далилларни олинисида улар сақланишининг жорий ҳолатлари, яъни, учинчи шахслар томонидан яратилган ҳужжатлар асл нусхаларининг текширилаётган субъектда ёки учинчи шахсларда мавжудлиги ва текширилаётган субъект томонидан тайёрланган ҳужжатларни уларнинг шахсий тасарруфида эканлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва расмийлаштирилганлиги ўрганилади.

Далилларни олишнинг инвентаризация усулида текширилаётган субъект мулк ва маблағларининг ҳужжатдаги ва ҳақиқатдаги миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўзаро жонли равишда таққослаш жараёнидир. Инвентаризация натижалари солиштириш-таққослаш қайдномалари ва инвентаризация далолатномаларида акс эттирилиб, умумлаштирилади. Фикримизча, инвентаризация жараёнида текширилаётган субъект мулк ва маблағларининг мавжудлиги ҳамда сақлаш ҳолати уларни ўлчаш, санаш, таққослаш, ҳужжатлар ва амалдаги ҳолатни солиштириш ва кўз билан кўриш амаллари орқали ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Инвентаризация жараёнида аудитор юқоридаги амалларни бажариш орқали солиштириш-таққослаш қайдномаси, инвентаризация далолатномаси, хато ва камчиликка йўл қўйган масъуллардан олинган тушунтириш ва тилхатлари каби аудиторлик иш ҳужжатларидан далил сифатида фойдаланади.

Кузатиш усули аудиторлик далилларни тўплашда энг самарли усул ҳисобланиб, усулдан фойдаланиш учун маълум вақт мобайнида ўрганиш(кузатиш) талаб этилади. Бу усул аудитор томонидан айрим бирламчи ҳужжатлардаги муомалаларни уни умумлаштирувчи ҳужжатлардаги муомалалар билан солиштириш орқали бажарилади, масалан, корхона товар-моддий захиралари ва асосий воситаларининг қайта баҳоланганлиги

тўғрисидаги маълумотлар ёки ўзаро боғлиқ бўлмаган муомалаларни молиявий ҳисоботларда тўғри ва ўз вақтида акс эттирилганлигини ўрганиш жараёнини тушуниш мумкин.

Далилларни ҳужжатларни текшириш орқали тўплаш деганда – аудитор томонидан муайян ҳўжалик муомаласини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш тушунилади. Мазкур жараёнда корхонанинг тегишли ҳужжатларидаги маълумотларни корхона якуний молиявий натижасига таъсири ҳам ўрганилиб, умумий хулоса чиқарилади. Аудиторлик далилларни олишнинг муқобил баланс тузиш усули деганда – корхона бирламчи ҳужжатлари маълумотлари асосида корхона молиявий ҳисобот шакллари қайтадан тузиш орқали далилларни шакллантириш тушунилади. Мазкур усулнинг аҳамияти шундаки, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархини аниқлаш, ишлаб чиқариш жараёнида белгиланган меъёрдан четга чиқиш ҳолатларини аниқлаш ва молиявий натижаларнинг тўғри аниқланганлигини баҳолаш имконини беради. Шунингдек, мазкур усуллар корхона молиявий ҳисоботининг ишончлилигини аниқлаш ва бухгалтерия счётларидаги қолдиқлар тўғри ҳисобланганлигини баҳолаш имконини беради. Бу фақатгина аудитор фикрини асослаш учунгина эмас, балки корхона раҳбарияти учун корхонада мулк ва маблағлардан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарурдир.

Аудиторлик далилларни тўплашнинг навбатдаги самарали усулларида бири – бу текширилаётган субъект раҳбар, масъул ходимлари ёки учинчи шахсларидан оғзаки сўров орқали далилларни олиш услубидир. Сўровни амалга ошириш учун маълумот талаб қилинадиган масъуллардан .олинадиган сўровномалар шакли ва мазмуни олдиндан тайёрланиши лозим. Бунда, сўров натижалари аудитор томонидан сўров (маълумот) олинаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар қисқача баённома шаклида расмийлаштирилиши лозим. Ушбу ҳужжатлар эса текширув якунида тузиладиган ишчи ҳужжатларга илова қилинади.


Сканерлаш деганда, ўрганилаётган масалага тааллуқли ҳужжатлардаги бир туркумдаги маълумотларни бир хил йўналишлар бўйича ўрганиш тушунилади. Бунга мисол сифатида ҳисоб-китоб счётидаги маълумотларни молиявий ҳисоботнинг даромад ва харажатлар бўйича бухгалтерия счётлари маълумотлари ҳамда уларга алоқадор бўлган бирламчи ҳужжатлар маълумотлари билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Аудиторлик амалиёти шуни кўрсатадики, далилларни тўплашнинг энг самарали усули бу таҳлилий амалларни бажаришдир. Бизнингча, таҳлилий амаллар деганда, корхона молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ўртасидаги оғишиш(меъёрдан четга чиқиш)ларни баҳолаш ва уларни пайдо бўлиш сабабларини иқтисодий-математик усуллар ёрдамида аниқлаш жараёни тушунилади. Ўз навбатида, мазкур жараён тўпланган аудиторлик далилларга оид маълумотларни иқтисодий-математик ҳисоб-китобларни бажариш орқали амалга оширилади. Бунда, турли иқтисодий-математик ҳисоб-китоблар орқали корхона молиявий ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичларни аниқлайди. Бу кўрсаткичлар жумласига кундалик сотувлар бўйича дебиторлик қарздорлиги индекси (DSRI), ялпи фойда бўйича сотиш рентабеллиги индекси (GMI), активлар сифати индекси (AQI), даромаднинг ўсиш индекси (SGI), амортизация индекси (DEPI), сотиш ва маъмурий харажатлар индекси (SGAI), молиявий қарамлик коэффиценти индекси (LVGI), активларга ажратмалар индекси (TATA), сотиш рентабеллиги, ТМЗ айланувчанлиги, устав капитали рентабеллиги коэффиценти, жорий ликвидлик коэффиценти, мутлак ликвидлик коэффиценти, қарз ва ўз маблағлари нисбати коэффиценти, ўз ва қарз маблағлари нисбати коэффиценти, молиявий ҳисобот кўрсаткичлари, статистик ҳисобот кўрсаткичлари киритилиб, бу кўрсаткичларни аниқлаш учун эса корхона ҳамкор (контрагент)лари маълумотлари, солиқ ҳисоботи кўрсаткичлари, ўтказилган назорат (аудиторлик назорати, солиқ назорати ва бошқа назорат шакллари) маълумотлари каби ҳужжатлардан далил сифатида фойдаланилади.

Аудитор текширувлар жараёнида таҳлилий амаллардан текширилаётган

корхона фаолияти тўғрисида маълумотларни шакллантириш, молиявий ҳисобот шаклларидаги хатоларни аниқлаш, корхона фаолиятининг узлуксизлигини баҳолаш, фаолиятнинг самарадорлик ва барқарорлик кўрсаткичларини аниқлаш, текширув натижалари юзасидан корхона раҳбариятига маълумотлар тайёрлаш мақсадларида фойдаланиши мумкин.

Қуйидаги расм муаллиф томонидан тайёрланган. (Қаранг: 3-расм).



3-расм. Далилларни тўплаш амалларини бажариш тартиби.

Фикримизча, молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида далилларни тўплаш жараёни қуйидаги таҳлилий амалларни бажариш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

текширилаётган субъект амалдаги фаолият натижаларини тармоқ ўртача кўрсаткичлари билан таққослаш – бунда субъект томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат) хусусиятлари (бозордаги талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблиги ва ҳ.к.), корхона ҳисоб сиёсатига риоя этилишининг амалдаги ҳолати ва корхона фаолиятининг бозордаги имкониятлари;

корxonанинг бизнес-режа кўрсаткичларини амалдаги (ҳақиқий) кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутни аниқлаш – текширилаётган субъектнинг режа ва ҳақиқатдаги ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолият натижалари ўртасида тафовутлар сабабларини аниқлаш мақсадида қўлланилади;

корхона молиявий ҳолатини тавсифловчи турли кўрсаткичларни

аниқлаш ва уларнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш;

корхона фаолиятининг узлуксизлиги(яшовчанлик кўрсаткичи)ни баҳолаш;

текширилаётган субъектнинг жорий ва ўтган ҳисобот даври кўрсаткичларини солиштириш;

аниқланган камчилик(меъёрдан четланиш)ларнинг муҳимлик даражаси(молиявий ҳисоботга таъсири)ни баҳолаш;

корхонанинг жорий даврдаги молиявий кўрсаткич(маълумот)ларини келгуси даврдаги ўзгариш (ўсиш, камайиш) даражасини прогноз қилиш ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, аудиторлик текшируви жараёнида қўлланиладиган барча усул ва амалларни далил тўплаш жараёнларида қўллаш мумкин ва далиллар тўплашдаги уларнинг самарадорлиги аудитор ва ёрдамчи аудиторларнинг маҳорати ва малакасига бевосита боғлиқдир. Аудиторлик текширувида қўлланиладиган усуллар тавсифи иқтисодчи И.Мелиевнинг [4] тадқиқот ишларида батафсил келтирилган.

Аудиторлик далилларни тўплаш жараёнида юқоридаги усуллар билан биргаликда қуйидаги усуллардан кенг фойдаланиш мумкин: баҳолаш; калькуляция; статистик таҳлил; гипотеза ва прогнозлаштириш; тестлаш ёки анкета саволномаларини ўтказиш; муқобил баланс тузиш; тизимли текшириш; корхона фаолиятини узлуксизлигини баҳолаш; учинчи шахслардан ташқи тасдиқ олиш; таҳлилий амалларни бажариш ва бошқалар.

Аудитор текширув жараёнида текширилаётган муомала ёки объект хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бошқа усул ва амалларни қўллаши мумкин. Аудитор далилларни тўплашда корхона фаолиятига нисбатан танқидий ёндашув асосида корхонада амалга оширилган муомалалар қонунийлиги ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ишончлилиги ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аудиторлик фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 феврал ЎРҚ-677-сон Қонуни (янги таҳрири). www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрь ПҚ-3946-сон Қарори. www.lex.uz.

3. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. /Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. – Москва: Финансы и статистика, 2013. – 560с.

4. Мелиев И.И. Аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказишни такомиллаштириш: Иқт. фан.бўйи.фалсафа док. (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: ТМИ, 2019. – 63 б.

5. Холиқов Б.А. Аудиторлик далилларни тўплашнинг назарий-услубий масалалари. //Молиячи маълумотномаси, 2021. – №1. – Б.32-42.

6. Холиқов Б.А. Аудиторлик далилларни тўплаш хусусиятлари /Халқаро капитал бозорига интеграциялашув жараёнида корпоратив молия ва молия бозорини комплекс ривожлантириш истиқболлари: мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2021. – Б. 272-275.

7. “Аудиторлик далиллар” номли 500-сон аудитнинг халқаро стандарти. <https://www.imv.uz>.

8. “Таҳлилий амаллар” номли 520-сон аудитнинг халқаро стандарти. <https://www.imv.uz>.

9. <https://www.imv.uz>. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти.